O'zbek tilining yangi izohli lug'ati

Тақдимот

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Гулчирой ИСОҚОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари томонидан тайёрланган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китоби тақдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Сўнгги йилларда тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, имкон қадар барча соҳалардаги замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш, бир хил қўлланишини таъминлашга доир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда. Янги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг нашрдан чиқиши эса мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларнинг амалий тасдиғи бўлди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти масъул ходимлари, Фанлар академияси олимлари, тилшунос ва адабиётшунослар, соҳа вакиллари иштирок этди.

Уч минг нусхада чоп этилган ушбу 5 томлик луғат ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминлар, шевада қўлланадиган сўзлар, тарихий атамаларни ўз ичига олган.

Изоҳли луғатнинг қоғоз кўриниши билан бир вақтда мобиль иловаси ҳам ишлаб чиқилди. “izohli-lugat.uz” веб-сайти устида иш олиб борилмоқда. Унда фойдаланувчилар учун сўз қўшиш (кўрикдан ўтказиб) имкони яратилиши назарда тутилган.

Тадбирда сўзга чиққанлар янги нашр этилган луғат борасида фикр билдириб, унинг афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Режалаштирилаётган нашр учун эса таклифларини билдирдилар.

Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан давлат тилини ривожлантиришга қаратилган 2 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарори ва 1 та фармойиши лойиҳалари ишлаб чиқилган. Давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларида раҳбарнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиларининг тайинланишига эришилди. Бу ҳаракатлар сабаб бугун кучли жамоатчилик назорати шаклланмоқда.

Департамент ташаббуси билан Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида 13 та филиали, шунингдек, республикадаги барча олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилди.

Бу саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини беради. Бугун кенг жамоатчилик “Давлат тили ҳақида”ги қонун ижросини таъминлашга бел боғлаган. Мазкур луғатнинг чоп этилиши эса бу борадаги ишларнинг янада тезлашишига хизмат қилади.